

М. ИРИСҚУЛОВ

ТИЛШУНОСЛИККА КИРИШ

*Республика Халқ таълими вазирлиги дорилфунун
ва педагогика институтлари талабаларига
қўлланма сифатида тавсия этган*

ТОШКЕНТ «ЎҚИТУВЧИ» 1992

Махсус муҳаррир: филология фанлари номзоди, профессор
Л. Т. БОБОХОНОВА

Тақризчи: В. И. Ленин номи Тошкент Давлат дорилфунуни
роман-герман филологияси факультети инглиз фило-
логияси кафедрасининг ўқитувчиси, филология фан-
лари номзоди **Ғ. Х. САЛИМОВ**.

И 74

Ирискулов М. Т.

Тилшуносликка кириш: Дорилфунун ва
педагогика ин-тлари талабаларига қўлл./
[Махсус муҳаррир Л. Т. Бобохонова].— Т.:
Ўқитувчи, 1992.—256 б.

Ирискулов М. Т. Введение в языкознание: Учебное
пособие для студентов филологических и романо-гер-
манских факультетов университетов и пединститутов.

ББК 81я73

И 4602020102—73
353 (04) — 92 68 -- 91

© «Ўқитувчи» 1992

ISBN 5—645—01342—5

Мазкур қўлланма дорилфунун ва педагогика олийгоҳларининг I курс талабаларига мўлжалланган. «Тилшуносликка кириш» фани олий ўқув юртларида ўрганиладиган биринчи назарий курсдир. Табиийки, талабалар бу курсни ўзлаштириш жараёнида турли қийинчиликларга дуч келадилар, чунки биринчидан, тил — мураккаб ҳодиса, унинг системасини ва таркибини атрофлича тушуниш, кейинчалик бу билимни бошқаларга тушунтириш осон иш эмас, иккинчидан, тилшунослик назарий фан бўлганлиги сабабли, кўплаб атамалар ва тушунчаларни ўзлаштиришга тўғри келади, учинчидан, «тилшуносликка кириш» фақат она тилининг хусусиятларини эмас, балки дунёдаги мавжуд тилларнинг ранг-баранг хусусиятларини, тиллар орасидаги ўхшашлик ва фарқларни ҳисобга олади, бу эса талабалардан чуқур билимни талаб этади, тўртинчидан, бу фанга ўқув режаларида ажратилган соат билан мазкур фан ҳажми орасида катта номутаносиблик бор; табиийки, ўқув жадвалидаги соатлар миқдори бу фанни дарс жараёнида ўрганиш имкониятини бермайди. Шунинг учун тилшуносликнинг талайгина қисмини талабаларнинг мустақил ўрганишларига тўғри келади.

Шу муносабат билан ҳозир жумҳуриятимиз олийгоҳлари олдида мустақил ишлашга мўлжалланган дарслик ва қўлланмалар яратиш, талабаларнинг мустақил ишини ташкил қилиш, мустақил ишнинг натижаларини назорат қилиш йўлларини ишлаб чиқиш каби бирмунча жиддий вазифалар турибди. Эътиборингизга ҳавола этилаётган мазкур қўлланма ана шу йўлдаги дастлабки уринишлардандир.

Бошқа фанлар қатори тилшунослик ҳам катта одимлар билан ривожланиб бормоқда. Кейинги йилларда иттифоқимизда ва хорижда нашр этилган қатор ишлар таҳсинга сазовордир. Уларнинг кўпчилиги коммуника-

тив тилшунослик деб аталмиш соҳани ўрганишга бағишланган. Шу муносабат билан тилшуносликка оид аввал ишлаб чиқилган баъзи илмий фаразлар, назариялар ҳозирги кунда қайта кўриб чиқилмоқда. Қўлланмани тайёрлашда замонавий тилшунослик фани эришаётган ютуқларни имкони борича ҳисобга олишга ҳаракат қилинди. Қўлланмага киритилган «ижтимоий тилшунослик» (социолингвистика) «матн (текст) тилшунослиги», «халқаро тил муаммоси» каби бўлимлар шулар жумласидандир. Қўлланманинг тузилиши унинг олдига қўйилган мақсад билан белгиланади. Ҳар бир бўлимдан кейин масалани ўзлаштирилиш даражасини аниқлаш мақсадида савол ва топшириқлар берилди. Тилнинг амалий томони билан боғлиқ бўлган бўлимлардан кейин эса саволлар билан бир қаторда машқлар ҳам киритилди.

Ўқувчининг амалий ҳамда мавҳум тафаккурини чегараламаслик ниятида дастурнинг кўпчилик бобларида у ёки бу масалада замонавий тилшуносликда мавжуд бир эмас бир нечта фикрлар келтирилди. Англашилишича, бу услуб ўқувчининг кўрилаётган масалага ижодий ёндошишига ёрдам беради: у келтирилган фикрларнинг бирини танлайди ёки улар асосида ўзи янги бир хулосага келади. Ҳар қандай ривожланиш, тараққиётнинг асосида кўп фикрлилик ётади. Бу фикрларни қиёслаш, чоғиштириб ўрганиш янги фикр пайдо бўлишининг гаровидир.

Бу турдаги қўлланма биринчи бор нашр қилинаётганлиги сабабли, унда хато ва камчиликлар бўлиши табиий бир ҳолдир. Шу муносабат билан биз ҳамкасбларимиз ва талабаларнинг ушбу иш бўйича фикр ва мулоҳазаларини мамнуният билан қабул қиламиз.

Яна бир масалада тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Қоғозни тежаш ниятида тегншли бобларнинг охирида Ш. Қаримов томонидан ёзилган «Тилшуносликка кириш» курсидан практикум» қўлланмасида берилган машқларни фақат бет ва номерлари кўрсатилди.

ТИЛШУНОСЛИК ФАНИНИНГ ЎРГАНИШ СОҲАСИ ВА МАВЗУСИ

Тилшунослик тилнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, тил ва тафаккур, тил ва жамият ўртасидаги муносабатлар, тилнинг жамиятдаги ўрни, ички тузилиши — тилнинг таснифи, уни таҳлил қилиш усуллари ва шу каби масалаларни ўрганадиган фандир.

Тилни тилшуносликдан ташқари фалсафа, мантиқ каби бошқа фанлар ҳам ўрганади. Маълумки, тафаккурда дахлдор масалалар мантиқ илмининг мавзусидир. Шу туфайли мантиқчилар тафаккур қонуниятлари билан бирга, фикрнинг тилда акс этишини ўрганмасликлари мумкин эмас. Ундан ташқари, тил ва тафаккур бир-бири билан узвий боғланган, бири — иккинчисисиз яшай олмайдиган ҳодисадир, тафаккур тилда яшайди, ҳар қандай нутқ асосида эса тафаккур ётади. Мантиқ тилни ана шу йўналишда ўрганади.

Тилнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши жамият тараққиёти билан боғлиқлиги туфайли тил социологлар томонидан ҳам ўрганилади. Маълумки, жамият тарихий тараққиёти жараёнида содир бўлган воқеа ва ҳодисалар тилда акс этмай қолмайди. Шунга кўра, тарихчилар тил тарихига, тилшунослар эса ўз навбатида тарих фанига мурожаат қилмай иложлари йўқ. Демак, тилшунослар тилга онд масалаларни ҳал қилишда этнография, психология, антропология, математика, жуғрофия, физика ва бошқа фанларга онд материаллар ва хулосалардан фойдаланадилар.

Шундай қилиб, тил фақат тилшунослик эмас, балки бошқа фанлар учун ҳам ўрганиш соҳаси сифатида намоён бўлади. Бу соҳадан ҳар бир фан ўз мавзусини ажратиб олади. Ўрганиш соҳасини ажратиб олиш нуқтаи назаридан тилшуносликни икки турга: **микролингвистика** (кичик тилшунослик) ва **макролингвистика** (катта тилшунослик)га ажратилади.

Микролингвистика тилнинг фақат ички, яъни фоне-